



Денинга МЕХНАТ вахтасида

УЛУФ САНАНИ МУНО-
СИБ СОВҒАЛАР БИЛАН
КУТИБ ОЛАМИЗ

МУСОБАҚА САМАРАСИ

«Учкун» тўқимачилик-талам. терса фирмаси бош инженери Яков Шибанов билан цехларни бирма-бир айланимиз. Тикувчиларнинг қўли-қўлига тегмайди, иш қизиги. Ҳар бир ишчи эми-масига юклатилган вазифани муддатидан олдин бажариш, дохил тутилган кунга муносиб тўғна тайёрлаш ишларида ён-моқда.

— Мана бу цех мусобақада биринчи ўринда борапти, — деди Яков Иванович ойнаванди бингога ишора қилар экан. — Июль ойи тошхирларнинг 102 процентдан ошириб, аҳолига қўшмача ўн мингларча тур-туман ипакли кўйлақлар ет-казиб берилди.

Цехга кираверишда цех бош-лиги Анатолий Бунашев билан рўпара келиб қолдик. У коллективнинг меҳнат зафарла-ри ҳақида қисқачина ҳикоя қи-либ берди.

— Қўлини, ойлик планлар-ни ошириб бажаришимиз, махсулотнинг янада сифатли чиқаётганига асосий сабаб, ян-ги технологияни мукаммал ў-лаштириб олганимиздир. Унинг афзал томони шунки, машина ишта туширилча, махсулот иш-лаб чиқариш 30 процентга ош-ди.

План масаласига келганда ҳам ишлар ёмон эмас. Август ойи планини 102-103 процент-га бажаришни мўжизаллаб ту-рибмиз. Аҳмаджонова, Рузмет-цева, Данилскай каби ишчи-ларимизнинг гайрат-шижоатла-ри ана шундан далолат бериб турипти.

Я. САЛИМОВ.



Олмалиқ химия заводи қури-лиши қизиги давом этапти. Ҳар бир ишчи, ҳар бир инж-нер-техник ҳодимнинг фикри-анкиси корхонага ўз вақтида ишга тушириш ва деҳқонлар-нигизга қўллаб-қўллаб ўнгит-лар етказиб беришга қаратилган. Суратда: аммофос цехида тех-нологик аппаратларни ўрнатиш пайти.

И. Глауберзон ва В. Сироткин фотоси.

ТОШКЕНТ ҲАҚИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

КУСАК КЎПАЯДИ

Мўл ҳосил тақдирини ҳал қи-ладиган долларб дамлар ўтапти. Дала шўқорлари бутунги кунда ҳосил чўқини чамалаб қўриш-пти. Фидокорона меҳнатларнинг мева-ларидан хурсанд бўлиш-пти. Чиндан ҳам об-ҳавонинг инжи-ликларига қарамадан, деҳқонла-риниз гайрат кўрсатиб меҳнат қилиш-пти, дала-ларда олинган маж-буриятни қўлайдиган даражада ҳосил етиштириш-пти. Эндликда эса ҳосилга ҳосил қўйиш учун барча куч ва воситалардан бара-кали фойдаланилмоқда.

Бизнинг ҳўжалигимизда, ҳу-сусан бўлимимизда ҳам худди шундай. 500 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 28 центнердан «оқ олтин» етиштиришга сўз берган эканмиз, бунинг уддасидан чўқш учун қўлимиздан келган барча тадбирларни изчиллик билан амал-га оширамиз. Ўзга қатор орала-рини култивация қилиш, экинни озик-лантириш ва сугориш каби агро-техника тадбирлари бир-бири-га болганган ҳолда ўтказилмоқ-да. Шунинг учун ҳам ўзгаларимиз кунда бир ашнамда, серуш, сер-қўсак бўлиб ривожланимиз.

Хозирнинг ўзидек ҳар туп гў-зада 5-6 тадан гўш қўсак санаш мумкин. Гуллар эса гўш-гўш бў-либ етибди. Бу гуллар бўлиқ қў-сакларга айлан-ди, салмоқдор қў-саклар сони тағин ҳам кўпаяди. Август ойи давомида ҳар туп гў-зада яна 3-4 тадан қўсак бўлиш-га эришамиз. Бунинг учун нима-ни

зи зарур бўлса, барчасини амал-га оширамиз.

Ўзгаларимизнинг шу қадар ях-ши ривожланишига ўз-ўзидан эришилмади, элбатта. Чунки ун-б чўқини биланон дарҳол гўза па-вараришга киришдик. Дастлабки култивация дарида ёш гўзалар-ни бир йўла озик-лантириб қетдик. Шундан сўнг сугордик. Унгидан, сувдан, қўшдан баҳраманд бўл-ган гўзалар авал олиб ўса бош-ладик. Сўнгга қўндалангига култи-вация ўтказдик. Бунда гўза ту-ларининг ости юмшатиб кетилди, бегона ўтлар йўқотилди. Пайкал-лардаги гўзаларнинг талабига қара-б култивацияни оби-тобида ўт-казавердик. Хуллас, ҳозиргача гўзаларимизни беш марта сифатли култивация қилдик, икки марта қондириб сугордик, ўт бостан май-донларда кетмон чопиги ўтказдик.

Ўзга парвариш дарида мине-рал ва маҳаллий ўнгитлардан ўз-ўрнида фойдаланишга илжайди аҳамият берилади. Ўзга мине-рал ўнгитлар билан уч марта озик-лантирилди. Шу дарида йиллик нор-манинг ҳаммаси бериб бўлиди. Июль ойининг охирида экинга азотли ўнгитлар беришни тўх-тадик. Чунки, бу иш ўз вақтида ў-тказилганди. ва шу йўл билан гўзанинг гўлаб кетишига йўл қўйилмади. Аксинча экинга «шар-бат» оқизини давом эттираве-дик. Бу эса ўзининг яхши самара-ларини кўрсатишда. Ўзгалар бу

йига эмас, экинга шўхлаб, сер-қо-ширамиз.

Бўлимнинг Шарофиддин Аҳме-дов, Мақсудали Хусанов, Мама-соли Азизов, Қўйчибой Қолма-тов ўртоқлар бошлиқ бригада ва эвенюларда айниқса мўл ҳосил тулганмоқда. Бошқа бригадалар ҳам ана шу илгор бригадалар парвариш қилишга сўз берганлар. Шу бондан ҳозир дала-ларда тракторлар бетиним гуруллаб ту-рибди. Ҳосил посбонлари деб ҳаққоний ном олган сувчилардан Нажмиддин Тожибоев, Манлон-берди Отабоев, Абдуманнон Дўс-матов ва бошқалар экинга кеча-қондўз оби-ҳаёт тарамонқилар. Улар ҳар туп гўзанинг қониб сув ичишига эришмоқдалар.

Шу кеча-қондўзда дала-ларим-изда 18 та трактор култиватор-ларга бетиним ишлаб турибди. Дала гвардиячиларидан Камолд-дин Умаралиев, Муҳаммад Ши-нишов, Фозил Раҳмонов ва бош-қаларга ҳамма тўсқилари ўрнатиб, гўза қатор ораларини култивация қилиш-пти.

Ўзбекистон Компартияси Мар-казий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг «Республика» колхозлари, совхоз-лари ва тайёрлов пунктларини 1969 йилги пахта ҳосилини териш ва тайёрлашга ҳозирлаш тўғриси-даги қарори бўлим пахтакорла-рининг ҳам меҳнат қийинчили-гини

янада ошириб юборди. Шу муно-сабат билан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди ва бу тадбирлар амалга оширилди. Пахта-си машинада терилдиган майдонлар қўздаги кечирилмоқда. Ана шу пайкалларнинг бошда тахтачалар ўрнатилиб, уларга «су» ерининг пах-таси агрегатларда териб олинди» деб эълон қилинган.

Машиналарнинг равои ишлаши учун гўза қатор оралари бўйлаб эгитлар тўппа-тўғри ва чуқур олишмоқда. Бундай қилиниш а-грегатларнинг чайқалмасдан бир маромда ишлашига ва шпиндел-ларнинг чаноклардаги пахта-ни х-ши қамраб олишига ҳамда тўқиб кетмаслигига имконият беради.

Бўлимда терим агрегатлари ре-монти тугатилган деб қолди. Пах-та майдонлари механизаторларга бикритиб қўйилди. Ўзга парвари-ши эса йилги-теримга тайёрла-лик билан боғлаб олиб боришмоқ-да. Бу ишларимизнинг ақойиб самара беришига, социалистик мажбуриятимизнинг бажарилиши-ни таъминлайдиган миқдорда ҳо-сил етиштирилишига шўбҳалан-мас ҳам бўлади. Негаки, пахта-корларимиз қатъий ишонч ва қат-орзу билан меҳнат қилиш-пти.

А. ТОШМАТОВ.

Бекобод районидан 2-«Дал-варзин» совхозининг бўлим бошқарувчиси.

ДАЛАЛАРДАН ДАРАКЛАР

Йилги олишда Умарали Эрма-тов, Эргаш Бобоев сингари ки-шилар гайрат кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар. Қўмон Соппов, нинг бир ўзи 13 беда тарамини тиклади.

Т. ШЕРАЛИЕВ.

1-«ОХАНГАРОН» совхоз-ининг ўқинчи бўлимида 6600 бош қўй, 328 та сиғир бор. Бу-



120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳо-сил қўтариш учун курашаётган Ўзга районидан Тельман номли колхознинг Ҳакимовлар Қодиров бошлиқ бригадасида ҳар туп гўзада 9-10 тадан қўсак ҳосил қилинди. Суратда: Ҳа-кимовлар Қодиров.

А. Тўраев фотоси.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгор-ний ва А. Н. Косигин ўртоқлар Руминия Коммунистик партия-сининг Бош секретари, Руминия Со-циалистик Республикаси Давлат Кенгашининг Равис ўртоқ Нико-лае Чаушеску билан Руминия Социалистик Республикаси Ми-нистрлар Советининг Равис ўртоқ Ион Георге Маурерга телеграмма йўллаб, унда Руминия фашизм эътиборидан озод этилганлигини

25 йилги муносабати билан Со-вий ва А. Н. Косигин ўртоқлар Руминия Коммунистик партия-сининг Бош секретари, Руминия Со-циалистик Республикаси Давлат Кенгашининг Равис ўртоқ Нико-лае Чаушеску билан Руминия Социалистик Республикаси Ми-нистрлар Советини ва барча меҳ-наткашларини самимий қутлади-лар.

БИЛДИРИШ

«Қизил Ўзбекистон» колхоз-и чорвадорлари гўшт сотиш йил-лик планини муваффақиятли адо этдилар. Давлатта 125 тон-на семиз гўшт сотилди. Бўрдо-қига боқилган ҳар бир молнинг тирик вазни 300-320 кило-граммданга тўғри келди. Мол-ларни семиртириб боқишда Исмаил Исмоилов, Усмон Ис-роилов, Абдуназар Орипов ка-би ўртоқлар астойдил меҳнат қилдилар.

Х. ҲАКИМОВ.

Орғоникидзе районидан

ДОКЛАДЧИ

Докладчи — комиссия раиси ўртоқ М. МУЛЛАЕВ.

3. Меҳнаткашлар депутатлари област. Советининг II сессия-сида депутатлар томонидан қилин-ган тақлиф ва тақдирий мулоха-заларнинг бажарилиши тўғрисида. Область ижроия комитети раи-сининг ўринбосари ўртоқ С. А. РАХМАТХҲАЕВА ахбороти.

МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТ-ЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ИЖРОЯ КО-МИТЕТИ.



«ЗОНД-7» АВТОМАТ СТАНЦИЯСИ ЕР БИЛАН ОЙНИ СУРАТГА ОЛАДИ

Илгари хабар берилганидек, «Зонд-7» автомат станцияси уч-а ётган пайтда ўтказилган илмий экспедициялардан бири Ер ва Ой таъсирини рақли плеинга туши-риш эди. Станция бу суратларни ерга келтирди.

Ерни фотосуратга олиш бирин-чи сессия 1969 йил 8 август ку-ни соат 8 дан 52 минут ўтгандан соат 9 дан 26 минут ўтгунга қадар бажарилди. Бу пайтда стан-ция планетамиздан тахминан 70 минг километр масофада эди.

Сессия бошланишидан олдин станция унда ўрнатилган фотоап-паратнинг оптик ўқи Ер маркази сари йўналишдан қилиб мўлжал-олдирилди. Суратга олиш чоғида станция Каспий денгизин устида эди. Суратда Ернинг ўқи чап то-монга салгина олган. Бу денгиз устида ва унинг шарқ томонда булут бўлмаганлигини кўриш мум-кин. Ўрта Осеё республикалари, Орол денгиз ва Балхаш кўлининг қиёфаси яққол кўриб турибди. Помир ва Гини-Шань тоғ тизмала-ри ҳам равшан ажралиб турибди. Унда шарқда булутлар ораллида Олоёнинг ўрмонли тоғлари, ун-дан нарида эса, Байкал кўлининг қонгирлари кўзга ташланади.

Бутун Кавказни қоплаб олган яхши булут орасидан, Қора де-нгизи ва Азов денгизи ҳамда Қрим ярим-орол кўринади. Шимолда, булутларнинг нариёнда Ботния кўлиги, Карелия ва Ой депнзининг қиёфаси кўрилади.

Шимолий муз океани устининг ҳаммасини булут қоплаб олган. Совет Иттифодидан жанубда Эрон ва Афғонистон, Ироқ, Кичик Осиё ва Арабистон ярим-орол территориясини кўриш турибди. Фотосуратнинг бу қисмида Евфрат ва Дасола даралари кесиб ўт-ган Месопотамия қиёфаси диққат-ни ўзига жалб этади.

Қизил денгизнинг нари ёғида Шимолий Африка, Нил дарёсининг Миср ва Судандаги қарийб бутун оқими бўйлаб водийси ва ундан нари Африка саҳролари кўринади.

Ўрта Денгиз соҳили ва Болқон ярим-орол устида енгил булут бор. Атлантика океанидан келаёт-ган булутлар Пирней ярим-орол-ини бутунлай қоплаб олган. Суратга олиш чоғида терминатор чизиги (кун билан туш чегараси) Атлантика океанидан ўтди.

Иккинчи марта суратга олиш сессияси 11 август кунин Москва вақти билан соат 5 дан 28 минут ўтганда бошланди. Ўн минут давом қилди. Сессия бошланиши олдин станция Ойдан 10 минг километр масофада эди. Ой юзининг чап қисмини кўш ёрқин Британдия, Ён қисми эса, қоронғи эди. Су-ратда терминатория кўрамыз. Тер-минаторнинг тўн томонида — Бу-рон океанининг гарбий қисми тас-вири бор (у рақли фотосуратда яшил тусда товланувчи нўқимтир-жигар рангда кўринади. Ойдаги қолган областларнинг туси — Кў-кимтир-сарил).

(Давоми 3-бетда).

ЕРНИНГ бу сурати (чапда) 70.000 километрга яқин масофада 1969 йил 8 августда «Зонд-7» автомат станцияси орқали олинган. Ернинг бу сурати эса (ўнгда) 1969 йил 11 августда Ойнинг четига кириб бориш пайтида олинган.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети бюросининг Тошкент область партия комитети

ҳисоботи юзасидан чиқарган қарори колхоз коммунистлари муҳокамасида.

КОММУНИСТ- ТАШАББУСКОР, ТАШКИЛОТЧИ, АВАНГАРД БЎЛСИН

ПАРТИЯВИЙ ИШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ УЧУН

Колхоз партия ташкилотининг секретари
Мутал МУҲАМЕДОВ нутқидан



Партия ташкилотимизнинг ютуқ ва намуналарини доқладчи ҳамда сўзга чиққан нотинчлар томонидан аниқ равшан кўрсатиб берилди. Биз энди ишнинг янги ҳаётига ташкил этиб, коммунистларнинг авангардликни ошириш, меҳнатнашлар ўртасидаги ташаббусни қўллаб-қувватлаш ва турмушга татбиқ қилиш учун зарур бўлган ҳамма тadbирларни амалга оширамиз. Ҳозирги пайтда партия ташкилотимиз ҳисобида 72 коммунист бор. Уларнинг асосий кўпчилиги бевосита моддий бойлик яратиш билан шугулланадилар. Бригадаларга, эвеноларга, чорвачилик соҳасидаги ишларга асосан коммунистлар бошчилиги қўйилган.

Колхоз партия ташкилотини далачилик, богдорчилик ва чорвачилик бригадаларида цех партия ташкилотлари ташкил этиш — ишнинг олиб боришда ҳар жиҳатдан афзал эканлигини амалда кўрди. Цех партия ташкилотлари колхоз партия комитетига амалий ёрдам бермоқдалар, ўз участкаларида ишнинг намунали олиб бориш учун тайрат-ташаббусни оширмоқдалар, вазифалар бўлган жавобгарлик ҳиссини кучайтирмоқдалар. Колхоз партия ташкилотини уларнинг ишдан ҳамма вақт хабардор, кесракли ёрдам ўз вақтида бериб турилибди.

Бугунги умумий йиғилишимиз колхоз коммунистларини

янада тайрат кўрсатиб меҳнат қилишга, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети томонидан деҳқонлар олдига қўйилган улутвор вазифаларини муваффақиятли бажаришда янги йўл-йўриқлар, вазифалар белгилаб беради.

Колхоз партия ва цех партия ташкилотлари деҳқонлар, механизаторлар, богдорлар, чорвадорлар ўртасида сиёсий-тарбиявий ишларни олиб боришнинг бундан кейин янада яхшилайди. Уларга маданий хизмат кўрсатишнинг юқори савияда бўлишига эришиш учун курашади.

Колхозимиздаги 33 сиёсий ташкилотчи, 11 сиёсий ахборотчи омма орасида агитация-пропаганда ишларини яхшилаш учун, уларга партия ва ҳукуматимизнинг қарор ва кўрсатмаларини ўз вақтида етказиш учун бутун тайрат ва билимларини сарфламоқдалар. Қишлоғимизда ёзи ва қишқи клуб бор. Буларда пойтахт театрларининг артистлари ўз концерт ва спектакллари билан вақти вақтида хизмат кўрсатадилар. 5 мингга яқин фондига эга бўлган кутубхона колхозчилар хизматига. Ҳозирги пайтда қишлоғимизда 400 хонадон 756 муҳсада газета ҳамда журналларга обуна бўлган.

Бутун прогрессия инсоният, барча совет кишилари, шу жумладан бизнинг қишлоқ меҳнатнашлари улут доҳий В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигини муносиб кутиб олишга олганган ҳозирги кунларда ишонч билан айтиш мумкинки, зиммага олганган барча мажбуриятлар бажарилади. Давлатга қўллаб-қувватлаш, олиб бориш, мева ва чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан олганган социалистик мажбуриятларимиз, иш шараф билан адо этамиз. Улут доҳий юбилейига муносиб совга тайёрлаймиз.

Колхоз партия ташкилотини умумий йиғилиши Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Тошкент область партия комитети ҳисоботи юзасидан 1968 йил 25 сентябрда чиқарган қарорини колхозда бундан сўнг бажарилиши юзасидан тегишли тadbирларни белгилади.

КОММУНИСТЛАР ПЕШҚАДАМ

Далачилик бригадасининг бошлиғи
Ислом БАҲРОМОВ нутқидан



Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети 25 сентябрь қарорини бултур ҳам муҳокама қилган ва ишнинг янги ҳаётига айтилгандек ташкил қилишга киришган эдик. Мана орадан салкам бир йил ўтди. Ҳозирги чакки эмас. Сабзавот, картошка, поллиз экинлари маҳсулотини бир-

мунча кўпайтиришга эришял-миз.

Колхоз партия ташкилотини ўша қарор муҳокамасидан кейин далачилик бригадаларига раҳбарлик қилиш усулини ўзгартирди. Бундан бизнинг бригадани мисолида ҳам кўриш мумкин. Бригаданинг ишдан, ташкилотчи, ташаббускор коммунистлар юборилди. Улар экинлар парваршишга ўтказишда пилхас ўзлари намуна кўрсатиш билан бирга ибратли масалаҳатлари билан ишнинг яхшиланishiга кўмаклашмоқдалар. Шу билан бирга колхоз партия ташкилотчи бригаданимиз ишдан доимо хабардор бўлиб туради. Камчиликларимизни тузатишга кўмаклашадимиз, йўл-йўриқлар кўрсатади.

Бу амалга оширилган тadbирлар катта амалий натижа билан яқунлашмоқда. Ўтган йили экинлардан ҳосил олиш бўйича планларимиз ошириб бажарилиди. Маҳсулотнинг сифати яхши бўлди. Даромад ҳам чакки бўлмади. Ҳар бир меҳнат кунига салкам 6 сўмдан пул олди.

Яқинда Калинин районидаги «Ленин йўли» колхоз партия ташкилотининг умумий йиғилиши бўлди. Унда «Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Тошкент область партия комитети ҳисоботи юзасидан 1968 йил 25 сентябрда чиқарган қарорининг колхозда бажарилиши ва ҳўжалик партия ташкилотининг вазифалари» деган масала муҳокама қилинди.

Бу масала юзасидан Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. А. Абдуразоқов доқлад қилди.


Доқлад юзасидан қизғин музокаралар бўлди. Қишлоқ коммунистлари Ўзбекистон Компартияси Марказий

Деҳқонларимизнинг бу йилги иши ҳам ёмон эмас. Ҳозиргача йиғиштириб олинган ҳосилимиз планда кўрсатилган даражада боришти. Биз ўртаги ва кейин экинлардан мўл ҳосил етиштириб йиллик плани-

мизни экинларнинг ҳамма тури бўйича ошириб бажаришга ҳаракат қиламиз, бу билан Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг қарорини бажариш, деҳқончилик экинлари ҳосилдорлигини ошириш учун курашамиз.

ЦЕХ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ ВА ЧОРВАЧИЛИК

Чорвачилик фермаси цех партия ташкилотининг
секретари Собир ШОКИРОВ нутқидан



Маълумки, чорвачилик — жуда мураккаб соҳа. Агар унга яхши эътибор билан қарабсан, туғайдиған булук, Борди-ю, сидиди қаралмасан, озми-кўлими гирромлик аралашсан, жоң куйдирилмасан ўша булук, дек қайнаб турган сут оқими камаяди, мол яхши семирмайди, бузоқ дурқун ўсмайди.

Мен шу колхоз фермасида зоотехник бўлиб ишлайман. Чорвачилик ҳаёолимини, кўл меҳнат қилишнинг талаб отади. Сизлар яхши биласизлар, фермаимизда интизом сал бўшаган эди, маҳсулот етиштиришга салбий таъсир кўрсатди. Ферма цех партия ташкилотининг аввалги секретари Зинир Файзиев чорвадорлар ўртасида меҳнат интизоми, тарбиявий ишларни яхши олиб бормолади. Ҳатто фермада талон-торож ишларига ҳам йўл қўйилди. Колхоз партия ташкилотини, правление бунни ўз вақтида аниқлаб, камчиликларини тузатиш тadbирларини кўрди. Цех партия ташкилотининг секретари Зинир Файзиев вазифасидан озод этилди.

Янги цех партия ташкилотини фермада ишчи колхоз партия ташкилотини йиғилишида айтилгандек, қайталан пухта ташкил этиди. Тўғри, ҳозирча сизгилардан сут соғиб олиш бул-

турги шу вақтдагига қараганда бизни қаноатлантирмайди. Аммо биз йилнинг иккинчи ярмида ўтган йилги даражадан ўтиб кетиш тadbирларини кўраётимиз. Совуқ қаттиқ келганда туғайди қиш ойларида сут соғиб олиш камаяган бўлса, унинг ўрнини тўлдириб мақсадига соғин сизлар боқимиз. Тарбиясини яхши йўлга қўйиб йил охиригача сут соғиб олишда кескин ўзгариш ясаймиз.

Ферма коммунистлари ҳали кўпгина партиявий ишларни амалга оширишлари керак. Биз ишчан, ташаббускор ўртоқлар, иш партия сафига қабул қилиш, фермаимизда коммунистлар сафини кенгайтириш учун курашамиз.

Чорвачиликда мол туғини кўпайтирмай туриб, маҳсулот миқдорини ошириш тўғрисида тағирлиқ ўрнили бўлмайди. Ҳозирги пайтда фермаимизда 160 та соғин сизир бор. Колхоз бизга 145 та бузоқ олиш юзасидан план берган. Фермаимиз коллективни, фермадаги цех партия ташкилотиде масалаҳатлашиб, ҳар юз сизгидан 100 тадан бузоқ олиш, уларнинг ҳаммасини соғ-омон тарбиялашга қарор қилди.

Сизгилардан сут соғиб олишнинг кўпайтириш — бизнинг муҳим вазифамиз. Ўтиб етиштиришда эришяётган ютуқларимиз кувончли бўлса ҳам, биз ў билан қаноатланиб қолмаймиз. Планди 28 тонна ўрнига 30 тонна гўшт топиштирилиб, йиллик план бажарилиди. Ҳозирги пайтда молларни семиртириб бўрдоқ қилиш, келгуси йилда бу йилгига қараганда ҳам молларнинг тирик вазини мўлжаллашдан анча кўп бўлиши, давлатга юқори сезилтиришга гўшт топиштириш зарурлигини ҳисобга олиб, иш юритишамиз. Фермаимиз коммунистлари Марказий Комитет қарорида таъкидлангансидек, чорвачилик соҳасидаги камчиликларини бартараф этади ва маҳсулотини кўпайтириш учун астойдил курашади.

ЭЛ ТАШАККУРИГА МУНОСИБ ИШЛАЙЛИК

Колхозчи Азизбой САИДАЛИЕВ нутқидан

Дастурхонга қўйилган маҳсулотни тановул қилган киши ўша маҳсулотни етиштирган одамга балли деса, деҳқон мақсадига эришган бўлади.

Мен шу қишлоқда колхоз тузишда, ун мустаҳкамлашда иштирок этганлардан бириман. Колхоз партия ташкилотини ҳи-

собида 30 йилдан ортиқроқ вақтдан бери тураман. Мен шу давр ичида колхозимизни ҳар хил даражада кўрганман. Ҳўжалигимиз бойиб, даромадимиз кўпайган йиллар кўп бўлган. Баъзан сўсайиб кетган вақтларимиз ҳам бўлган. Кейинги йилларда колхозимиз бадавлат қандай шаронда ҳам маҳсу-



Колхоз богида узум гарқ пишмоқда. Соҳибдорлар ал дастурхо нига қўллаб узум етказиб бериш ҳаракатидалар. Суратда: богдорчилик бригадасининг бошлиғи Худойназар Умаров (чапдан) иккинчи) богдорлар билан суҳбатлашмоқда. А. Абалая фотолари.

Комитети деҳқончилик ишларини олиб боришда қўйи партия ташкилотларига катта амалий ёрдам бераётганлигини алоҳида таъкидладилар. Шу билан бирга деҳқончилик, богдорчилик, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг тинмай кўпайтириш учун курашда коммунистлар етакчи бўлаётганликлари қайд қилинди. Меҳнатни янгича ташкил этиш, колхозчилар меҳнатига ҳақ тўлашда мукофот-аккорд усули кўпчиликка маъқул бўлаётгани, моддий рағбатлантириш, меҳнат унумдорлигини оширишда, маҳсулотни кўпайтиришда ҳал қилувчи роль ўйнаётгани алоҳида таъкидланди.

Куйида партия ташкилотини йиғилишида сўзлаган айрим нотикларнинг нутқлари берилди.

УЗУМ, МЕВА МЎЛ БЎЛАДИ

Богдорчилик бригадасининг
бошлиғи Худойназар УМАРОВ
нутқидан

1964 йилда, яъни бундан беш-олти йил илгари гектаридан 42 центнердан узум олардик. Ҳўшанда ҳам биров бизга нега бундай бўлиб қолди, деб айтмаган. Ҳўшанда ҳам, очининг айтиш керак, бунга кўп эътибор бермас эдик.

Аммо масалага чуқурроқ қарайдиган бўлсан, ўша вақтда бевоситанинг умри бекорга ўтаётган экан. Нега? Ҳисоблаб кўринглар, буттур гектаридан 210 центнердан узум олдик. Боз ўша-ўша боз, 42 центнер қайқ, даю, 210 центнер қайқда. Орадан беш йил ўтиб, гектаридан олган ҳосилимиз 159 центнерданга кўпроқ бўлиб турибди. Қани, айтингларчи, ўша вақтда боққа қим қараган? Шу ерлик богдорлар! Ҳозир-чи? Ҳозир ҳам ўзимиз. Нега бўлмаса ўзгариш бунчалик катта?

Мен бу ерда очик айтишим керак: одамларнинг меҳнатига бўлган муносабати бутунлай ўзгарди. Улар қилган ишларини учун қанча ҳақ олишларини аниқ билиб олдилар. Ана шундан кейин боққа бўлган муносабат ҳам ўзгарди. У вақтларда богда тоқ услимни, ўслипти эди. Ҳозирчи? Тоқ қаторларини кўчати билан бутми, унинг новдаси яхши лишиятини, хотини, вақтида ўтказиляптими, новдасларнинг бугини қанақа, тоқ вақтида, озиқлантирилиб, сув ичиляптими; — мана шунларнинг ҳаммаси богдорларимиз диққат-эътиборида.

Деҳқон ёни соҳибдор қарерда ишлаётган бўлса, ўша жойда ишнинг кўзини билиб қилмасан, қилган меҳнатининг натижаси кўнглидагидек бўлмайди. Аввало, одам касбини яхши кўриши керак. Шу касб туғайли турмуш кечирадиган бўлганимиздан кейин уни ардоқламай, доғ тушириб қўйсак, эл-юрт ўртасида ҳурмат кетади, топар, тутаримизда баранга бўлмайди. Мен бу ерда айтишим керак, бизнинг қишлоқда богдорчилик, айниқса тоқни билмайдиган одам йўқ. Балки, қизқч туолар бошқа одамларга: қишлоғимизда аёллар ҳам хомтоқ қилиш, тоққа қарашни яхши билишлар. Бола туғилиб, амаклайдиган бўлганда у биринчи бориб, тоқ новдасини ушлайди.

Шунақа, қишлоғимиз богдорлар, соҳибдорлар қишлоғи. Бултур гектаридан 210 центнердан узум топиштириди. Бу оёластимиз шароитида эл юқори ҳосил. Аммо шундай эвеноларимиз борки, улар бригаданимизга нисбатан узумдан анча кўп ҳосил олмақдорлар. Нисбат Абдурахимов эвеноси гектар ҳисобида 370 центнердан узум олди. Сизлар Нисбат Абдурахимовнинг яхши биласизлар: колхоз партия комитетининг аъзоси, ишчан коммунист. Унинг айтишига қараганда, тоқнинг парваршиш унингга қўйилган, бир меҳнатини унга ўн баробар кўп ҳосил беради.

Богдорчиликдан, айниқса, узумчиликдан юқори ҳосил олаётганимиз туғайли соҳибдорлар даромади ошмоқда. Бултурги йиллик ҳисоб-китобга қараганда, богда ишлаётган ҳар бир кишининг ойлик маоши 125 сўмданга тўғри келди. Қани айтингчи, бундай даромад кишини қаноатлантирмайди? Шунинг учун ҳам бу йил богларимизда, қиш қаттиқ келганига қарамай, ҳосил — мўл. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети биз богдорлардан жуда тўғри талаб қилмоқда: меҳнатнашларга қўллаб-мева, узум етказиб беришимиз керак. Биз боз топиш-риқни албатта бажарамиз.

ҲОСИЛДОРЛИК — АСОСИЙ МЕЗОН

Колхоз ранси Сидиқ МУҲАММАДЖОНОВ нутқидан



Партия ва ҳукуматимиз сабзавотчиликни ривожлантириш мақсадида биз колхозчи деҳқонларга ҳамма жиҳатдан амалий ёрдам бериб келмоқдалар. Кейинги йилларда сабзавотчиликка бўлган муносабатини, эътиборини кескин кучайтирдиган бунинг ёрқин мисолидир. Биз техника, минерал ўғитларни кўплай оляймиз. Амалий ёрдамлар етарли бўлмоқда.

Шунга яраша иш қилиш учун қўлимиздан келган ҳамма тadbирларни амалга оширялмиз.

Пойтахтимиз кенгайётганлиги туғайли бир қисм еримиз шадарга ўтиб кетди. Чунотчи, 1966 йилда 101 гектар ерда картошка экидик. 1968 йилда бундан 41 гектар ерга кам эдик, чунки бошқа экинларни ҳам жойлаштириш керак эди. Ҳўш, экин майдонимиз шунча камаяди, деб тураверсан, тўғри бўлармиди? Боз Азизбой ака айтганларидек, деҳқоннинг ҳар анфас меҳнатнашларини қар

лот билан мўл-қўл таъминлашди. Шундай бўлган, колхоз правлениеси, партия ташкилотини қишлоқ коммунистлари, колхозчилар билан масалаҳатлашиб бир қарорга келишди. Картошка экидиган майдон намайиб кетган бўлса ҳам гектаридан олинадиган ҳосилдорлигини кўтариш ҳисобига яппи ҳосилни мўлжаллашга етказиб олишга ҳаракат қилинди.

Ана шу мақсадда ишнинг ташкил отганимиз учун бултур ҳамма экинлардан, айниқса картошкадан мўл ҳосил етиштирилди ва зиммамизданга вазифани бажаришга эришдик. Давлатга бултур 3349 тонна ўрнига 4216 тонна маҳсулот сотиб, планини 126 процент адо этидик.

Картошка, сабзавот, богдорчилик, полиэчилик экинлардан мўл ҳосил олаётганимиз учун даромадимиз ёмон бўлмаяпти. Бултур ўртача ҳар иш кунига 5 сўм 19 тииндан пул тақсимланди. Колхозчининг ойлик маоши ўртача 96 сўмга тўғри келди. (Бунга албатта, томорладан келган даромад кирмайдик).

Колхоз ва колхозчиларнинг даромади ошаётганлиги учун турмуши ҳам кескин ўзгарди. Қишлоғимиз кўчалари тўла, асфальт қилинган. Ҳамма пиланди қурилган уйлارга кўчиб чиққан. 207 хонадонда телевизор, 231 хонадонда радио бор. Ўзларнинг ортиқ хўжалик газ тушириб олган. Уйлар йиҳози ҳам маданийлашиб бормоқда.

Буларнинг ҳаммаси партия ва ҳукуматимизнинг колхозчи деҳқонларга кўрсатаётган рағбатининг ёрқин мисолидир. Биз ҳосилдорлигини янада ошириб, даромадини кўпайтирамиз ва қишлоқ меҳнатнашларининг турмушини бундан ҳам яхшилаш учун курашамиз.



УЛЬТРАТОВУШ ЁРДАМИДА

Юксан босим остида ишлайдиган инимий асбоб-ускуналар пухта текширишдан ўтиб, сирати ахши аниқланиши керак. Уларни текширишнинг асосий методи шу вақтгача рентген нурлари ёрдамида амалга оширилади. Бу метод «Узбекхиммаш» заводда ҳам қўлланиб келинган.

Бу ерда пайванд бирикмаларнинг чорак қисми танлаб олиниб, текшириб кўрилади. Химик асбоб-ускуналарнинг сифатига талаб ошганлиги муносабати билан пайванд бирикмаларнинг ҳамма, сийи текшириб кўриш зарурати туғилди. Заводда мавжуд бўлган рентген установалари бу ишни амалга оширишга улгуролмайд.

Текшириш учун ультратовушдан фойдаланишга тўғри келди. Махсус ультратовуш асбоблари эндиликда рентген нурларига нисбатан уч баравар тезроқ пайванд чоклари сифатини аниқлаб бера олади. Ультратовушнинг рентген нурларидан бошқа афзалликлари ҳам бор. У рентген нурлари топиши қийин бўлган пайванд чокларидаси камчилигини ҳам аниқлаб беради. Бундан ташқари ультратовушдан фойдаланишда транспортровка юмушлари нискин намайди.

О. ЛЕВАН,
Чирчиқ шахри.

ЎЗБЕКИСТОН— ЖАҲОН КЎЗГУСИДА

1967 йил 6 июлда «Экспо-67» жаҳон кўргазмасида Ўзбекистон ССРнинг байроғи кўтарилди. Бу ўзбек халқининг миллий байрами, у эришган ютуқларнинг кўриги нуни бўлди. Бу байрам мантаб даражасида Совет Иттифоқида бор-йўғи бир-ичи саҳифа жой берилмаган Канадада янги дунёнинг кашфиётига айланди. Миллионлаб оддий кишилар Ўзбекистон мисли кўрмалган ютуқларга эришганлигининг шохиди бўлдилар.


«Ўзбекистон жаҳон кўзгусида» деб номланган ва «Ўзбекистон» наشريети томонидан босмадан чиқарилган янги китобда «Экспо-67» жаҳон кўргазмасига Ўзбекистондан борган туристлар гуруҳининг сафари, уларнинг канадаликлар билан учрашувлари ҳақида ҳикоя қилинган.

Бу сафар таассуротининг муаллифи — СССР Медицина Фанлари академиясининг мухбир аъзоси, Ленин мунофоти лауреати профессор Ражаб Исмоилов ва ёзувчи Борис Пармизинлардир.

Б. МАДРАХИМОВ,
Тошкент шахри.



Оржоникидзе районидagi «Яштакўприк» қишлоғи аҳолиси ақнида ахши соғва олди. Киров селъхоз томонидан бу ерда савдо маркази очилди. Ҳозир бу ерда саноат моллари билан савдо қилиш кенг йўлга қўйилган. Суратда: янги магазинда савдо пайти.



СЕНИ ЎЙЛАЙМАН

Ҳали шалопадек йигитлик чоғдан, Тоти ҳаёл билан кезиб мен боғдан, Инроқда туриб, ҳасрат-у доғдан, Ҳазонсиз гул тутиб, иссиқ кучоғдан, Азиз дилбарим, деб сени ўйлайман, Чертиб рубобимни сени кўйлайман. Умидим вафодор ёр бўласи, деб, Ҳижрон туллари бедор бўласи, деб, Ишқимга оқибат икром бўласи, деб, Йўлимга тормулиб ҳуммор бўласи, деб, Азиз дилбарим, деб сени ўйлайман. Чертиб рубобимни сени кўйлайман, Сайр этгим келади боғда етаклаб, Бошигдан гул сочсам, дейман, этаклаб, Ташна висолнинг ташна бўлиб лаб, Қалбимга қўйгансан ўзинг ўт қалаб, Азиз дилбарим, деб сени ўйлайман, Чертиб рубобимни сени кўйлайман. Бу қалбим торидир сенига ниткор, Қилмагин севгимни севгимнинг хор, Исмийдир тилимда, дилимда тикдор, То умрим борича бўлсанг вафодор, Азиз дилбарим, деб сени ўйлайман, Чертиб рубобимни сени кўйлайман.

— Усмон ЖОНИТОВ.


МУҚАДДАС МЕРОС

Азал-азаллардан боболар доим, Дўстлигини улутгаб қадрига етган, Ўйламанг: қандайдир тилшунос олим, Қавоқлар бу сўзни уш қашф этган. Ўй! Бу сўз жинг йиллар ноёб асар, Аждодлар деҳишлар: «Ўй сақланг пок!» Шу сўз деб Қўриқда рус қомиссари, Босмачи қўлида бўлганди ҳалок. Шу сўз деб татқиқнинг «Ўй» оқли сасига, «Лаббай» деб тилиқдан қозоқ ажратган. Шу сўз деб Брестнинг гишт парчасига, Ўзбекининг шафқатини қони сатраган. Шу сўзни муқаддас имон деб улар, Боболар ишончини доим оқлашди. Ҳатто жонларини фидо қилдилар. Ва жинг дўстлигини қўтулг сақлашди. Уша аждодларнинг авлоди бугун, Ватаним бахтига енгилмас посбон. Ўйи оҳанг билан, янги сўз билан, Оталар қўлигига қўйлашур ҳавон.

Абдулла ШЕР.

ОРЖОНИКИДЗЕ районидagi «Қизил Ўзбекистон» колхозининг тоқзор ва полдизларида узум ва тарвузлар гарқ ишди. Колхознинг Б. Муродов бошлиқ эвеносида бу йил тектиридан 30 тоннадан тарвуз йи. гиштириб олишга аҳд қилинган. Суратда: (юқорида) узумзорда, (пастда) янги узилган тарвузлар тайёрлов пунктга жўнатишга тайёрланмоқда.

А. Абалин фотолари.



Юқори Чирчиқ районидagi «Политотдел» колхозининг «III Интернационал» участкасига қарашли бригадаларда дала шийони деҳқонларининг ҳақиқий дала олиш жойига айлантирилган. Дала шийонлари сердахат жойларга қўрилган, саҳни анвойи гуллар билан чиройли қилинган. Суратда: ана шундай дала шийонларидан бирини кўриб турибсиз.



ИККИ ОЙЛИК ТАНАФФУСДАН СЎНГ

«Пахтакор мухлислари узок танаффус — икки ойдан сўнг ўз командалари билан Тошкентда қайта юз кўришдилар. Бу орада пахтакорчилар ўз шинавандларини озмунча ташвишга солидиларми? Ниҳоят, ўтган пайшанба кунини майдон эгалари мухлислари олдида жиддий синовдан ўтдилар. Улар зўр машаққатлар билан кўйилар даврасига чиққан ва ҳозир олий лига билан ҳайралишини сирз истамаётган «Уралмаш»ни қабул қилдилар.

Учрашувнинг биринчи бўлими ҳамшаҳарларимизнинг ҳушмуллари билан ўтди. 42-минутда Красинский штрэф тўпини тепади. Бу тўпини Варюхин боши билан меҳмонлар дарвозасига моҳирона йўналтирди. Танатфусдан сўнг ҳам пахтакорчилар ҳисобини оширишлари мумкин эди. Аммо Бенетов рақиблик ҳимоячиларини орада қолдириб кетиб дарвозабон билан юзма-юз келса ҳам нулай имкониятини бой бериб қўлди. Учрашувнинг сўнги минутларида уралликлар мағлубиятдан қутилиш учун уйинда нискин бўрилиш ксэй олдилар. Любарцев моҳирлик қилиб

Ерохин, Санниковларнинг беш-олти метрдан урган тўпларини қайтариб қолмаганда «Пахтакор» очкдан маҳрум бўлиши турган гап эди. Ҳужумга берилиб кетган «Уралмаш» дарвозасига 90-минутда иккинчи тўп киритилди (Раҳматуллаев). «Пахтакор» қийин жангда муҳим ғалабага эришди.

Шу кун «Локомотив» ўз майдонда «Арат»га 0:1 ҳисобида ютқазди. «Қайрат» футболчилари нима-кет учинчи мағлубиятга учрадилар. Бу сафар ўз майдонларида «Крылья Советов»дан 0:2 ҳисобида енгилдилар. Бугунга келиб «олтилар»нинг турнир жадалви куйидагича бўлди:

Командалар	У.	Ю.	Д.	М.	Т.	О.
«Арат»	23	9	6	8	25	27
«Пахтакор»	22	8	4	10	21	26
«Уралмаш»	23	6	7	10	12	21
«Кр. Советов»	23	5	6	12	22	18
«Қайрат»	22	4	8	10	17	26
«Локомотив»	23	3	8	12	15	28

С. МУСАЕВ.

НОМАЪЛУМ СОЛДАТ

риқишга қўл тегмайти! — ҳазиллашди у. — Билмайки, ўзбеклар ҳазил-хузулни севадилар. Энг оғир дамларда ҳам бир кунду билан ташвиш-ғамини унутдилар.

Шунинг учун: — Нима, келин болани ҳам бирга олиб кетганимиз? — деб ҳазиллашди. — Йигит поти-қотиб қўлди. Кудис ўнгира бирм ярашарканки, ҳали-ҳали едимдан қўтарилмайд.

— Мени нечага чиққан деб ўйлашсан? — деб сўради. — Бир дақиқа солдатга тикилиб турдим-да.

— Қариб қолган кўринасиз. Қишқарга чиқиб қолгандирсиз! — деб ҳазилни яна давом эттирд.

Йигит кулгидан тўхтаб: — Йигит! Яна кулгидан ўзини тўхтада олмади:

— Ёй тўққизда! — деди у. — Ҳим ҳам ўша йили йигирма бешга чиққан эдим. Болалар уйига боргуча сўхбатлашиб бордим, аммо исмини сўрамадим. Ўша пайтда қизиқмадим, шекилди.

Ўттиз болани машинага чиқариб, ортимизга қайтар эканмиз, боқча мудири:

— Нўлда эҳтиёт бўлинглар. Фрицлар яна нағишиб қолди. Иложи бўлса, ўрмон ичидаги йўлдан юра қолинглари! — деди.

— Болаларни соғу саломат хатарсиз жойга етказишга ҳаранат қилма! — деди ўзбек солдати.

— Раҳмат! — миннатдорчилик билдириб боқча мудири. Ўйла тўшди. Алламаҳал бўлиб қолган бўлса-да, сутке ойдан эди. Ҳамма ёқ аниқ кўринад. Қўз ойлари бўлгани учун тун бироз салқин. Этни

жуиқлатди. Руқни бошқарал, ману икки кўзим теварак атрофда. Тезроқ ҳайдайман, аммо кўзювлати болалар қийналиши, деб эҳтиёт ҳам қилиб қў. ман. Ўзбек солдати эса орча борга суяниб, ўтириб олган.

Фақат болаларинга бепарво. Бир-бирларига-боқибди, қулиб ҳам қўйишди. — Ҳаммаси бир-бирига маҳкам суяниб олишган. Шу пайт... Ҳа, худди шу пайт оримизда бир тўда немис мотоцикллари пайдо бўлиб қолди. Бари қуролланган.

— Тезроқ ҳайда! — деди ўзбек солдати.

Газин босдим. Машина қанчалек тез юрмасин, мотоциклчилар борган сари бизга аяқлашиб келарди. Улар кўп эди.

ҲИКОЯ

«Ўт очилишини ҳолати йўқ!» деб ўйладим. Нима қилишни билмай бошим таниб турганда, борб бўйлаб, болаларни ёллаб ўзбек солдат қабинага аяқлашди.

— Бироз секинлашасиз. — деди у.

— Неге? Тўппа-тўғри қўлга тушаверамизми? — ҳайратланиб сўрадим мен.

— Мен, — деди солдат қўлидаги гранатани кўрсатиб, — буни отиб йўлни бузаман. Машина секинлашган, тушиб қолди абаҳларни бир додони берман. Сиз эса бу орада беҳаво турой жойга чиқиб олсан! Келишимми?

Машинани секинлатдим. Мотоциклларнинг овози аяқияндан патиллаб эшитилди бошлди. Шошиб қолган баъзи немислар йироқдан машинага қараб ўт олдилар.

Ғужанак бўлиб олишган болалар баб-баробар қўзғовга ётиб олдилар.

Шу пайт ўзбек солдати машина эгасига тушиб олди. Мотоцикллар эса борган сари аяқлашиб келарди. Солдат қўл қўли билан аяқини маҳкам ушлади-да, ўнг қўли билан қўлоқлаб, гранатани иргитди. Қаттиқ ғумбирлаш эшитилди.

— Тез ҳайдан! — деди у ерга ўзини отиб.

Машина елдек учиб кетди. Ойна орқали ортимга қарадим. Кучли отишув бошланганди. Назаримда ўзбек солдати яқна ўша юзга яқин немис солдатлари билан олишарди. Мен ҳам тезроқ ҳавфсиз зонага чиқиб олганимга шонилардим. Аммо қўлогим остида ҳамроҳ солдатнинг жарангдор овози нари кетмас эди.

Ўттиз болани соғу саломат, омон-эсон айтилган жойга етказдим. Етказдим-у, шарқлик солдатнинг жасорати ҳақида гапириб бердим. Ўзбек йигитининг кейинги тақдирини нима бўлди? Бу саволга фақат эртасигина жавоб топа олдим.

Унинг жасадини яқна қайроғоч остидан топиб олдим. Фрицлар уни шу ерга олиб келиб отиб ташлабдилар. Қишлоқ аҳлининг айтишичи, ярим туғача отишув бўлибди. Душман қўллаб талофот кўрибди. Немис офицери:

— Тирик ушланглари! — деб буруқ берибди. Азамат охири нафасигача мардона олишибди.

Уни қўлга туширган офицер сўроқ қилмоқчи бўлганда, офицернинг баҳарасига туфлалар бўлибди. Бу воқеа тон-наҳорда бўлибди. Аламига чидан олмади.

ган офицер қаҳрамонни отиб ташлабди.

Солдатнинг ёнидан ҳеч қана ҳужжат топа олмадим. Тит, қиллаб, фашистлар олиб кетган бўлсалар керак. Ўша кунни қаҳрамон жангини яқна қайроғоч тағига дафн этдим. Қабри устига «Шарқлик номаълум қаҳрамон солдат» деб ҳам ёзиб қўйди.

Ҳа, чиндан ҳам у қаҳрамон эди. Бир ўзи ўттиз одам ҳаётини сақлаб қолди. Яна гўдакларни-я! Ўша болалар ҳозир катта-катта кишилар бўлиб етишган диллар. Ёшлари ҳалоскор солдатнинг ёнидан ҳам ўтиб кетгандир.

Аммо ўша болаларнинг ҳар бири ҳам ажал чапалгидан қўт, қариб қолган солдатни эслайдилар. Солдат ҳаёти шу болаларда ёшаётгандек бўлиб туюлади менга ҳар қачон.

— Ким эди у? — деб сўрасалар, ўша пайтдаги болалар:

— Ҳалоскоримиз — оддий солдат, — деб жавоб берадилар.

Оддий солдат, қаҳрамон солдат, номаълум солдат!

— Ҳар қачон шу яқна қайроғоч ёнидан ўтсам, ўша қаҳрамон ўзбек йигити едимга тушди, — деб ҳикоясини тутатди шофер.

Манзилга етиб бордик. Тоғнинг салқин шамоли эсим қолди. Балад чўққининг тиги бир бўлак булутнинг қўсқини тешиб юборган. Булут йиритгидан қўсқиннинг нурлари водий бўйлаб таралди. Қишлоқни кесиб ўтган сой тинмай шарқиради.

Ҳаёлимда ҳамон номаълум солдат. Ўзбек солдати. «Урушда йўқолиб кетган акамдир балки у? Балки амакидир! Балки тоғамдир!» деган ўйлар ҳаёлимдан нари кетмайд.

Майли, ним бўлмасин у — чинакам инсон, қаҳрамон!

ТўЛҚИН.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

АЖОЙИБОТЛАР

ОЛАМИДА

СИГИР СОҒАНГ
ТЕЗ СОҒ

Сигирни тез соғиш керакми, ёки аксинча соқинми? Кўпчилик бунинг аҳамияти бўлмаса керак, деб ўйлайди.

Англия ва Данияда ўтказилган тажрибалардан маълум бўлишчси, тез соғишнинг афзалликлари кўп экан. Таърибада бир «сигирни 7 минутда, иккинчисини 10 минутда соғишди. Бунинг қараган-ки, тез соғилган «сигирдан нуттилгандан кўра 15 процент кўп сут олинди, сутнинг тармийдаги ёғ ичкдорини ҳам ундан бирга ошди. Демак, сигирни тез соғишда гап кўп экан.

«МЕТРИКАСИ» — КЎЗИДА

Ҳайвонлар ёшини қандай аниқлаш мумкин? Маълум бўлишчси, ҳайвонларда ўзига хос «хуният» бор экан: кўз гавҳари ҳайвонлар учун «метрика» вазифасини ўтarkan. Кўз гавҳари ҳайвонни бутун умри бўйи, ҳатто унинг организми ўсишдан бутунлай тўхтаб қолганда ҳам ўсаверар экан.

ГАПИРАДИГАН МУШУҚ

Туркиянинг Конья шаҳрида истиқомат қилувчи бир савдогар, нинг мушуги «дада», «она», «опа» — сўзларини ҳамда ҳўнайинининг исмини айта олади. Гапирадиган мушунини қўришга, овозини магнитофон лентасига ёзиб олишга чет эллик туристлар ҳам тез-тез келиб туришади.

АЖОЙИБ МАШИНА

Бу машина гилдираклари остидаги «йўл» «Волга»нинг ўртача тезлиги — соатига 60 километр тезлида юзурди. Машинанинг ўзи «қароқўриқдан» биронга — ҳам, етолмайдиган даражада тезроқ деб аталсада, жойидан қўзғалмай турди.

Бундан бир неча йил аввал Удмуртияда пойтахтининг шарқи — шимолий текасида завод бўлган «Ижтйабуммаш» заводининг деҳларда ҳозир газета қорғон ишлаб чиқарувчи шундай агрегат жасалмоқда. Корхона инженерлари ва конструкторлари агрегатни гоат уқимдор қилишга қарор бердилар. Бунинг учун барча узелларининг гоат тез ҳаракат қилиши ҳамда ишлаб чиқарилувчи маҳсулот эни жуда кенг — 6720 миллиметр бўлиши талаб этилди.

Л. ДАНИЛОВ
(ТАСС мухбири).
ИЖЕВСК.



Нақадар гўзал гул, кўз мурин олур, Бахмалдай товланиб, чўдайини ёниб. Кўнглингга ажиб ҳис ва инҳом солур, Бопсанг чиройига то мейрнинг қониб.

А. Абалин фототўди.

Реклама ВА Экранлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

9.55 — Курсатилар програм- маси.

Ўзбек тилида: 10.00 — Биз билан раисга тушинг, 10.35 — Аленка (бадий фильм), 12.00 дан — Москва нўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

16.55 — Курсатилар програм- маси, 17.00 — Телеингиллар (рус тилида).

Ўзбек тилида: 17.10 — Илос Муслим кинода бағишланган эшитириш (болалар учун), 17.50 — Кинофильм, 18.00 — Эстрада шинавандалари учун, 18.40 — Телеингиллар, 18.55 — Роман-

тина» телевизион театри («Еш- тил» нўрсатади), 19.55 — Курса- тиллар программаси.

20.00 дан — Москва нўрсатади.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

15.15 дан — Москва нўрсатади.

ТОШКЕНТ КУРСАТАДИ

20.00 — «Замандас» програм- маси (нозон тилида).

Ўзбек тилида: 20.40 — Спорт ҳафта ичида, 21.00 — Халқ нур- лари, 21.40 — Беш йиллик илгор- лари, 21.55 — Тоғ насосиорлари (бадий фильмнинг иккинчи се- рияси).

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 дан — Душанба нўрсата- ди.

Театр

ҲАМЗА НОМИ АКАДЕМИК
ДРАМА ТЕАТРИДА — 23/VIII да
Алишер Навоий.

МУҚИМНИЯ НОМИ ТЕАТРИДА —
23/VIII да Гаҳарин шамироғ,
24/VIII да Кайнона.

Кино

ҚИШҚИ БИНОДА

Аннична — «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун), «ЎЗБЕКИСТОН» (эрталаб соат 10, кундуз 12, 2 ва 4 да), «МОСКВА» (эрталаб 10 ва кеч 9 да).

Қизларни ўғирлаш — «ЧАНКА», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун), «МОСКВА» (эрталаб соат 11-40 минут, кундуз 5 ва кеч 7 да).

Орулар палласи — «ЎЗБЕКИС- ТОН» (кеч соат 6, 8 ва 10 да).

«ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛ- ЛИГИ» (кундуз 5, кеч 6-45, 8-30 минут ва 10 да).

Изила кумлар — САНЪАТ СА- РОНИ (кундуз ва кечқурун).

Соқини кварталдаги қотиллик — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Кашмирдаги севги (Ўзбек тили- да) — НАВОЙИ номи (кундуз ва кечқурун).

Ҳушмурот бўл — «ТОШКЕНТ СОВЕТНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (эрталаб соат 11.45, кундуз 1.30, 3.15 минутда).

Сангам — «МОСКВА» (кундуз соат 1 пайида).

ЕЗГИ БИНОДА

(кеч соат 9 ва 10-40 минутда бошланади)

Дзюдо даҳоси — «ХЕВА», Қизларни ўғирлаш — «ФЕС- ТИВАЛЬ».

Райк болалари — ТЕЛЬМАН номи.

МАРКАЗИЙ «ПАХТАКОР» СТАДИОНИДА